



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 31 » iyul

№ 482

Toshkent sh.

### **Сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида” 2024 йил 7 майдаги ПФ–74-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази негизида Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт) тасарруфидаги Хоразм сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази ташкил этилгани **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни мустаҳкамлаш, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини кенгайтириш мақсадида Институт ҳузурида Қашқадарё минтақавий марказини ташкил этиш тўғрисидаги **таклифига розилик берилсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги **икки ҳафта муддатда** Қашқадарё минтақавий марказини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2026 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда Хоразм минтақавий маркази учун ажратилган ер участкасида бино ва иншоотларни қуриш ҳамда жиҳозлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этишни инобатга олсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Қашқадарё вилояти бюджет ташкилотларига тегишли бўш турган бинога Қашқадарё минтақавий марказини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш ҳамда зарур мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Хоразм ва Қашқадарё минтақавий марказларининг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб тегишлича Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилади.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг сув хўжалигида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, глобал иқлим ўзгариши шароитида соҳага инновация янгиликларини жорий қилиш мақсадида Институтга Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Тут маҳалласи ҳудудида жойлашган ва туман ҳокимлиги захирасида бўлган 1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 52,9 гектар ер майдонини ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

#### 7. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари Институтга ўттиз йил муддатга ижара ҳуқуқи асосида ажратилади;

Институтга ажратиладиган ер майдонларида сув ресурсларини бошқаришда замонавий сув ўлчаш қурилмаларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сарфланадиган сув ресурслари ҳисобини юритиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини тупроқ-иқлим шароити ва экин турига қараб жорий қилишни такомиллаштириш, суғориш тармоқларида сув йўқотишларини камайтириш, фильтрацияга қарши инновация технологияларини қўллаш орқали уларнинг фойдали иш коэффицентини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилади ҳамда сув хўжалиги соҳасида эришилган илмий натижалар, илғор тажрибалар ва замонавий технологиялар синовдан ўтказилади;

Институт қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага ёки иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга эмас.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

**ўн кун муддатда** Институтга ажратиладиган ер майдонлари бўйича ижара шартномаси расмийлаштирилишини ташкил этсин;

Институтнинг ер майдонига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда Институтнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан мақсадли фойдаланиши устидан давлат назоратини ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида сув хўжалиги соҳасида замонавий технологияларни жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган мақсадли фундаментал, амалий-тадқиқот ва инновация лойиҳалари бўйича танловлар эълон қилиб борсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмасига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 31 ” июлдаги 482 -сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари  
илмий-тадқиқот институтига тажриба участкаси учун  
ажратиладиган ер майдонлари**


| Т/р  | Худудлар номи   | Ер участкаси манзили |               | Контур рақами | Жами ер майдони, гектар | Шундан:              |             |             |             |
|------|-----------------|----------------------|---------------|---------------|-------------------------|----------------------|-------------|-------------|-------------|
|      |                 | туман (шаҳар) номи   | худуд номи    |               |                         | суғорила-диган ерлар | лалми ерлар | яйлов ерлар | бошқа ерлар |
| 1.   | Тошкент вилояти | Оҳангарон тумани     | Тут маҳалласи | 627           | 8,34                    | 8,03                 |             |             | 0,31        |
| 2.   |                 |                      |               | 628           | 0,48                    | 0,42                 |             |             | 0,06        |
| 3.   |                 |                      |               | 629           | 0,91                    | 0,87                 |             |             | 0,04        |
| 4.   |                 |                      |               | 630           | 0,92                    | 0,88                 |             |             | 0,04        |
| 5.   |                 |                      |               | 631           | 0,22                    | 0,2                  |             |             | 0,02        |
| 6.   |                 |                      |               | 632           | 0,79                    | 0,74                 |             |             | 0,05        |
| 7.   |                 |                      |               | 633           | 2,6                     | 2,52                 |             |             | 0,08        |
| 8.   |                 |                      |               | 634           | 0,33                    |                      |             | 0,33        |             |
| 9.   |                 |                      |               | 635           | 3,97                    | 3,75                 |             |             | 0,22        |
| 10.  |                 |                      |               | 636           | 2,27                    |                      |             | 2,06        | 0,21        |
| 11.  |                 |                      |               | 637           | 0,74                    |                      |             | 0,59        | 0,15        |
| 12.  |                 |                      |               | 642           | 0,94                    | 0,82                 |             |             | 0,12        |
| 13.  |                 |                      |               | 643           | 2,82                    | 2,57                 |             |             | 0,25        |
| 14.  |                 |                      |               | 644           | 1,04                    |                      |             | 0,95        | 0,09        |
| 15.  |                 |                      |               | 645           | 5,53                    | 5,36                 |             |             | 0,17        |
| 16.  |                 |                      |               | 646           | 0,9                     |                      |             | 0,85        | 0,05        |
| 17.  |                 |                      |               | 647           | 0,6                     |                      | 0,54        |             | 0,06        |
| 18.  |                 |                      |               | 648           | 1,38                    |                      | 1,24        |             | 0,14        |
| 19.  |                 |                      |               | 649           | 9,12                    | 8,79                 |             |             | 0,33        |
| 20.  |                 |                      |               | 650           | 3,26                    |                      |             | 3,13        | 0,13        |
| 21.  |                 |                      |               | 651           | 0,23                    | 0,22                 |             |             | 0,01        |
| 22.  |                 |                      |               | 652           | 0,77                    | 0,67                 |             |             | 0,1         |
| 23.  |                 |                      |               | 653           | 1,52                    | 1,34                 |             |             | 0,18        |
| 24.  |                 |                      |               | 654           | 3,22                    |                      |             | 3,01        | 0,21        |
| Жами |                 |                      |               |               | 52,9                    | 37,18                | 1,78        | 10,92       | 3,02        |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “31” июлдаги 482 -сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги 191-сон қарори билан  
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги  
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг  
ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартириш**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги 191-сон қарори билан  
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация  
ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмаси  
қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “31” июлдаги 482 -сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
хисобланаётган айрим қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 ноябрдаги 744-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 июлдаги 453-сон қарори.

